



THE SUBJECT OF PROSECUTOR'S SUPERVISION OVER THE EXECUTION OF LEGAL DOCUMENTS ON FARM HOLDINGS AND ITS ORGANIZATIONAL AND LEGAL BASIS

Urunbaev Nuriddin Nurmuratovich

2nd year master's student at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15220974>

ARTICLE INFO

Received: 09th April 2025

Accepted: 14th April 2025

Online: 15th April 2025

KEYWORDS

Agriculture, subject, object, prosecutor's supervision, legal regulation, regulatory legal acts, organizational and legal bases.

ABSTRACT

This article discusses the issues of the object, subject and legal regulation of prosecutorial supervision of the implementation of legislation in the field of agriculture.

ПРЕДМЕТ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ В КРЕСТЬЯНСКИХ ХОЗЯЙСТВАХ И ЕГО ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ

Урунбаев Нуриддин Нурмуратович

Магистрант 2 курса Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15220974>

ARTICLE INFO

Received: 09th April 2025

Accepted: 14th April 2025

Online: 15th April 2025

KEYWORDS

Сельское хозяйство, предмет, объект, прокурорский надзор, правовое регулирование, нормативно-правовые акты, организационно-правовые основы.

ABSTRACT

В статье рассматриваются вопросы объекта, предмета и правового регулирования прокурорского надзора за исполнением законодательства в области сельского хозяйства.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ПРЕДМЕТИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ - ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Урунбаев Нуриддин Нурмуратович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси 2-курс тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15220974>



ARTICLE INFO

Received: 09th April 2025

Accepted: 14th April 2025

Online: 15th April 2025

KEYWORDS

Фермер хўжалиги,
предмет, объект,
прокурор назорати,
тартибга солиниши
масалалари, қонун
ҳужжатлари, ташкилий
- ҳуқуқий асослари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг объекти, предмети ва ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари бугунги кунда аграр секторнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида “Аввало фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади” – деб таъкидлагани жуда ўринлидир.¹

Конституциямизнинг 143-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”² - деб кўрсатиб ўтилган. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш белгиланган.³

Шундай экан, фермер хўжаликларига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати, унинг предмети ва объектига доир масалаларни илмий тадқиқ этиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда, фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини тадқиқ этишдан олдин фермер хўжалиги тушунчасига таъриф бериш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ “Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.”

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://www.president.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>

³ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.



Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати бўйича яхлит илмий тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги оқибатида мазкур йўналишда прокурор назорати предмети, объекти ва субъекти масалалари илмий жиҳатдан ўрганилмаган.

Юридик адабиётларда прокурор назорати предметининг тушунчаси, объекти ва чегараларини белгилаш борасида турли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган бўлиб, қуйида ушбу масалаларга тўхталиб ўтамиз.

Таъкидлаш жоизки, прокурор назоратининг объекти ва чегарасига қараганда прокурор назоратининг предмети борасида прокурорлик назорати фанида самарали ва батафсил қарашлар мавжуд. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Б.Х.Пўлатов прокурор назорати предметини “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун 20-моддаси билан боғлаб, назорат предметининг ядроси сифатида қонунларнинг ижроси намоён бўлишини ва бевосита прокурор ваколатлари билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, Президентнинг Фармонлари қонун ролини бажаради, чунки қонунчилик органлари жамиятга керакли ҳуқуқий актларни қабул қилишни тезкор таъминлай олмайди. Президент Фармонлари, бошқача қилиб айтганда, мавжуд камчиликларни тўлдиради. Улар Олий даражадаги юридик кучга эга - деб Президент фармонлари ижросини ҳам назорат предметиға қўшади.⁴

Худди шунингдек, О.Мадалиев⁵, А.Дж.Давлетов⁶, М.Муминов⁷, З.Ибрагимов⁸ каби миллий олимлар прокурор назорати предметининг унинг ваколатлари ва чегараси билан боғлиқ тушунча сифатида тавсифлайди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, прокурор назорати предметини тушуниш бўйича иккита жуда барқарор илмий позициялар илгари сурилган. Биринчи илмий позиция вакилларининг (Г.И.Бровин, В.Т.Михайлов, К.Д.Бурмистров, Б.В.Коробейников, С.Г.Новиков, А.А.Хомовский) фикрича, прокурор назоратининг предмети деганда, назорат нимаға қаратилганлиги, бинобарин, прокурорлар назорат функцияларини амалға оширадиган органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳаракатларининг (ёки ҳаракатсизлигининг) қонунийлиги тушуниланган. Иккинчи позиция вакиллари (А.Д.Берензон, М.Х.Гельдибаев, А.А.Огородников, В.Г.Мелкумов, К.Ф.Скворцов, М.Ю.Рагинский, Б.М. Спиридонов) прокурор назоратининг предмети ва объектини, қоида тариқасида, ижтимоий муносабатлар орқали ва прокурор назоратининг вазифалари, функциялари, тамойиллари, шунингдек прокурорнинг ваколатлари призмаси орқали кўриб чиқадилар.⁹

⁴ Пўлатов Б.Х.. Прокурор назорати // Дарслик. -Тошкент, 2008. -Б. 120-121.

⁵ Мадалиев О.М. Прокурор назорати // Дарслик, Тошкент. 2009. – 54 б.

⁶ Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Учебник, “Билим”. -Нукус, 1999 г., стр 99.

⁷ Муминов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане // Автореферат. -Ташкент. 1993. – 38 с.

⁸ Ибрагимов З.С. Правовые проблемы совершенствования деятельности прокуратуры в системе органов государственной власти Республики Узбекистан, Автореферат, Ташкент-1997, стр-22.

⁹ Агутин А.В. Объект и предмет прокурорского надзора за исполнением законов при расследовании преступлений экстремистской направленности: понятие и содержание // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2017, № 2. -С. 98.



Тадқиқотчи Д.Раджапов “қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг предмети деганда, фуқаролар ва давлатнинг ўзаро талабларига асосланган, қонун ҳужжатларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар мажмуи тушунилади” деб таъриф беради.¹⁰

М.Т.Абдуҳкимов¹¹, Ш.Ж.Рахимов¹², А.Б.Комиловлар¹³ ҳам прокурор назорати предметиға турлича таъриф беришган.

Бошқа тадақиқотчи олим Б.Ибрагимов эса прокурор назорати предметини прокурорнинг айнан шу соҳа назорати билан боғлиқ ваколатлари кўлами билан боғлайди.¹⁴

Бизнинг фикримизча, Д.Раджаповнинг прокурор назорати тушунчасига берган таърифи билан тўлиқ келишиб бўлмайди, чунки унда вазирлик, идора, ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан қонун талабларига риоя этилиши билан бирга улар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонун талабларига мувофиқлиги назардан четда қолдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида қонунлар ижроси устидан назорат предмети назарда тутилган. Унга кўра, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазир ликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.¹⁵

¹⁰ Раджапов Д.Б. Фуқароларни соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш устидан прокурор назоратини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2023. – Б. 75.

¹¹ Абдуҳкимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2023. – Б.26.

¹² Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2022. – Б.26.

¹³ Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. - Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2020. – Б. 24.

¹⁴ Ибрагимов Д.Ш. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2022. – Б. 21.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.



Ҳуқуқшунос олимлар Н.Н.Карпов¹⁶, А.Х.Казарина¹⁷, А.Ю.Винокуров¹⁸, О.С.Капинус каби назариётчи олимлар гуруҳи прокурор назорати предметига нафақат қонунлар ижроси, балки бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳам тушунилади, деб ҳисоблашади.

Лекин бизнинг фикримизча, фермер хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати предметига фақатгина Конституция ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатлари ҳисобланиши белгиланган.¹⁹

Назаримизда, фермер хўжаликлари оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети сифатида бажарилиши умуммажбурий бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилишини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалиётда кўпинча прокурорлар томонидан ушбу соҳадаги назорат предметига Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёнлари ижроси ҳам асосиз киритиб юборилмоқда.

Мисол учун, Чортоқ туман прокуратураси томонидан 2020 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятига ташриф баёни ва бошқа манзилли дастурлар бўйича фермер хўжаликларида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ижроси юзасидан сифатсиз тақдимнома киритилган.

Ваҳоланки, 2019 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида “Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради” деб белгиланиб, унда баённома назарда тутилмаган²⁰.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликлари оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети юзасидан илмий мулоҳазаларни илгари сурамиз.

Фермер хўжалигига оид муносабатларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса-да, лекин ушбу қонунларда прокурор назорати предмети

¹⁶ Карпов Н.Н. Прокурорский надзор за исполнением имеющих ноормативный характер указов Президента Российской Федерации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ. 2012. №5. с.26-31. 30-стр.

¹⁷ Казарина А.Х. Предмет общего надзора // Законность. 2004. №11. –С-7-9. 8-стр.

¹⁸ Винокуров А.Ю. Прокурорский надзор за исполнением законов // Актуальные проблемы прокурорской деятельности: курс лекций под ред. О.С.Капинус.-М., 2015.- С.12-13.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.



аниқ очиб берилмаган. Фақатгина фермер хўжаликлари фаолияти тартибларигина ёритилган, холос.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 30-моддаси²¹, 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 10-¹-моддасида давлат назоратини амалга оширишнинг айрим жиҳатлари, 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 25, 34, 39-моддаларида декларатив тарзда акс эттирилган, холос. Мазкур Қонун ҳужжатларида назорат предмети нималардан иборат бўлиши назарда тутилмаган. Бу эса юридик адабиётларда бу билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва тадқиқ этишни тақозо этади.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан фермер хўжалигига оид қонунчилик соҳасидаги назорат предметини махсус ўрганилмаган бўлса-да, Б.Х.Пўлатов²² ва О.М.Мадалиев²³лар прокурор назоратининг предметига “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4, 20-моддалари мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндошган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предметига таъриф беришда прокурорнинг мазкур соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятининг вазифаси ва функцияларидан келиб чиқиш лозим бўлади. Тадқиқ қилинаётган мавзу бўйича прокурор назоратининг фаолияти доирасини белгилаш орқали фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметини аниқ шакллантириш мумкин.

Фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати фаолият йўналишини қуйидагича тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- фермер хўжаликларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда қонунларни ижро этилиши;
- фермер хўжаликларига ер ажратиш ва ерга бўлган ижара ҳуқуқларини бекор қилишда қонун талабларига амал қилиниши;
- фермер хўжаликларининг ажратилган ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши;
- фермер хўжаликлари томонидан давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредит, субсидия ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланишда қонун талабларига риоя этилиши;
- фермер хўжаликларининг шартнома ва тўлов интизомига риоя этилишида қонун талабларига риоя этилиши;

²¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда.

²² Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: О‘zbekiston, 2009. – Б. 147-148.

Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм) – Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. – Б.44.

²³ Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм) – Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. – Б.44.



- фермер хўжалиklarининг маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва сотишда қонунларни ижро этилиши;

- фермер хўжаликлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш ва фермер хўжалиklarига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда қонун нормаларига амал қилиниши;

- фермер хўжалиklarига оид қабул қилинган ҳужжатларнинг Конституция ва қонунчиликка мувофиқлиги.

Прокурорлар фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда ўз ваколатларидан фойдаланиш борасида назорат чегарасини тўғри белгилаб олишлари лозим.

Зеро, прокурор фермер хўжаликлари томонидан ердан, имтиёзли кредит, моддий ресурслардан мақсадли фойдаланиш, маҳсулот етиштириш, сақлаш ва реализация қилишда қонун талабларига амал қилиниши, бу борада қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш билан бирга фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаслик, назорат идоралари функцияларини бажармаслик ҳам муҳим ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, фермер хўжалиklarига оид қонун қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг предмети - бу вазирликлар, қўмиталар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фермер хўжалиklarига ер ажратишда электрон онлайн аукционларни ўтказиш, ижарага (қайта ижарага) бериш, давлат рўйхатидан ўтказиш, экинларни жойлаштириш, етиштириш, сақлаш ва сотиш, моддий ресурс ва маблағларни етказиб бериш, улардан мақсадли фойдаланишда қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан мазкур йўналишда қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ҳисобланади.

Яъни, прокурорнинг тартибга солиш фаолияти йўналтирилган фермер хўжалиklarига оид ижтимоий муносабатлардир.

Шу ўринда, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат предметининг чегарасини аниқлаб олиш прокурорлар томонидан ўтказила-диган назорат тадбирларида муҳим ўрин тутишини таъкидлаш лозим бўлади.

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартириш киритиш натижасида назорат предмети ҳам кенгайиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармони 2-бандига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган электрон онлайн аукцион яқунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши белгиланганлиги боис прокурорлар назорат предметига электрон



онлайн аукционларни қонунийлигини ўрганиш каби янги институтлар кириб кела бошлади²⁴.

Бироқ, бугунги кунга қадар электрон онлайн аукционларни ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида акс этмаган.

Фақатгина, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун 11-моддасида фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари электрон онлайн-аукцион асосида ўттиз йил муддатга ижарага берилиши белгиланган, холос.

Бизнинг фикримизча фермер хўжаликларини электрон онлайн аукцион ўтказиш мезонлари, тартиби, шартлари мазкур қонуннинг 11-моддасида ўз аксини топиш керак.

Акс ҳолда бу прокурор назоратининг сифат ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори 3-2-илоvasи билан тасдиқланган “Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом 33 банддан иборат бўлиб, ушбу Низомда электрон онлайн аукционларда фермер хўжаликларини йўналишига қараб танлаб олиш мезонлари, аукцион иштирокчиларига қўйиладиган талаблар кабилар кўзда тутилмаган²⁵.

Бунинг оқибатида, 203 та ҳолатда 19 873 гектар ер майдони бошқа вилоятда яшовчи фуқаролар томонидан фермер хўжаликлари аукцион савдоларида ютиб олинган.

Бу эса, прокурорлар томонидан ушбу фермер хўжаликлари фаолияти қонунийлиги юзасидан назоратни амалга оширишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Юқоридагиларга кўра, фермер хўжаликларига электрон онлайн аукцион ўтказиш тартибини қайтадан ишлаб чиқиш, унда фермер хўжаликларини аукционга кириш тартиби ва шартлари, танлов ғолибини фермернинг ихтисослашувидан келиб чиқиб аниқлаш мезонларини белгилаш таклиф қилинади.

Шу билан бирга, бугунги кунда фермер хўжаликларига тегишли бўйланган ер майдонларини ҳар қандай фуқароларга қайта ижарага бериш институти жорий этилиши, қайта ижарага бериш қонунийлиги устидан прокурор назоратини ўрнатишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-15-сонли Фармони 4-бандида 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа

²⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон; 24.03.2022 й., 06/22/91/0233-сон.

²⁵ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 09/21/709/1090-сон.



шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат берилиши фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат предметини кескин кенгайишига сабаб бўлди.

Энди, прокурорлар олдида янги институт яъни “ижара ҳуқуқини қайта ижарага бериш” қонунийлиги устидан назорат ўрнатишни тақазо қилмоқда.

Бироқ, қарийб бир йилга яқин вақт ўтганига қарамасдан қайта ижарага беришнинг аниқ тартиб-таомиллари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланмасдан келинмоқда.

Фақатгина Ер кодексига янги 24-⁵-моддаси киритилиб, унда қайта ижарага ер бериш умумий тартибда акс этган холос. Шу боис, келгусида прокурорларнинг фермер хўжаликлари ижара ҳуқуқини қайта ижарага бериш тартибини Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқлаш ва унда фермер хўжаликлари томонидан ижара ҳуқуқини бошқа шахсга қайта ижарага бериш шартлари, муддатлари, қайта ижара ҳуқуқини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб таомилларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предметига тўхталишдан аввал прокурор ваколоти тадбиқ этиладиган мансабдор шахслар ва ижтимоий муносабатлар доираси аниқ белгилаб олиниши, қонун ҳужжатлари мукамал тарзда фермерлик муносабатларини тартиб-таомилларини акс эттириши лозим бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://www.president.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.
4. Пўлатов Б.Х.. Прокурор назорати // Дарслик. -Тошкент, 2008. -Б. 120-121.
5. Мадалиев О.М. Прокурор назорати // Дарслик, Тошкент. 2009. – 54 б.
6. Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Учебник, “Билим”. -Нукус, 1999 г., стр 99.
7. Муминов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане // Автореферат. -Ташкент. 1993. – 38 с.
8. Ибрагимов З.С. Правовые проблемы совершенствования деятельности прокуратуры в системе органов государственной власти Республики Узбекистан, Автореферат, Ташкент-1997, стр-22.
9. Агутин А.В. Объект и предмет прокурорского надзора за исполнением законов при расследовании преступлений экстремистской направленности: понятие и содержание // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2017, № 2. -С. 98.
10. Раджапов Д.Б. Фуқароларни соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш устидан прокурор назоратини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2023. – Б. 75.
11. Абдуҳакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича



- фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2023. – Б.26.
12. Рахимов Ш.Ж. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2022. – Б.26.
13. Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2020. – Б. 24.
14. Ибрагмов Д.Ш. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация.
15. -Тошкент, Бош прокуратура Академияси. 2022. – Б. 21.
16. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонуни. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021.
17. Карпов Н.Н. Прокурорский надзор за исполнением имеющих ноормативный характер указов Президента Российской Федерации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ. 2012. №5. с.26-31. 30-стр.
18. Казарина А.Х. Предмет общего надзора // Законность. 2004. №11. –С-7-9. 8-стр.
19. Винокуров А.Ю. Прокурорский надзор за исполнением законов // Актуальные проблемы прокурорской деятельности: курс лекций под ред. О.С.Капинус.-М., 2015.-С.12-13.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон.
22. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда.
23. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: О‘zbekiston, 2009. – Б. 147-148.
24. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм) – Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. – Б.44.
25. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (Умумий қисм) – Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2012. – Б.44.
26. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон; 24.03.2022 й., 06/22/91/0233-сон.
27. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 09/21/709/109.